

## Баҳовуддин Нақшбанд зиёратгоҳида ширкка сабаб бўлган дарахт



13:10 / 12.06.2019 3542

Бухоро вилоятининг Когон туманида жойлашган «Хўжа Баҳовуддин Нақшбанд» зиёратгоҳидаги қуриган дарахт олиб ташланди. Бу ҳақда «Хабар.uz» маълумот берди. Хабарга кўра, тут дарахти қолдиқлари аввал турган жойдан олиниб, музей ихтиёрига топширилган.

Маълум қилинишича, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов жорий йилнинг 7 май кундаги «Дарахт ва тош кабиларни муқаддас деб билишнинг ширклиги тўғрисида»ги фатвосига асосан ушбу қуриган тут дарахти зиёратгоҳ ҳудудидан олиниб, Баҳовуддин Нақшбанд мажмуасидаги музейга тақдим қилинди.

Шунингдек, зиёратчиларнинг ширк амаллар қилишларига сабабчи бўлиб қолаётган ушбу эски дарахт 9 июнь куні номаълум шахс томонидан ёқиб юборилган.

– Дарахт ростдан ҳам кеча номаълум шахс томонидан ёқиб юборилган, бироқ дарахтнинг қолган қисми аввал турган жойдан олиниб, мажмуа қошидаги музей ихтиёрига топширилган, – деб таъкидлайди зиёратгоҳ мажмуаси раҳбари Абдулғофур домла.

***Islom.uz*** портали таҳририяти